



The Role and Importance of Training and Tactical Training in Higher Education in Reducing Fire Risk

Ruziev S. T.

Senior Lecturer, Department of Life Safety, Samarkand State Institute of Architecture and Construction

Achilov A. M., Kamalova M. Sh.

Teacher of the Department of Life Safety, Samarkand State Institute of Architecture and Construction

Annotation: *The article aims to reduce the amount of material losses from fires in the population and regions by analyzing the statistics of fires in the country to ensure fire safety of sectors of the economy, critical and classified facilities.*

Keywords: *fire, statistics, aspiration flow, special device, number of fires occurring, experience, event, time, wind direction.*

Кириш. Барчамизга маълумки, ер юзида аҳоли сонининг ортиши, урбанизация, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши масалаларининг тобора ортиши ва кенг кўламда ривожланиб бориши билан барча давлатларнинг йирик шаҳарларида уй жойга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.

Аҳоли турар жойлари, ижтимоий-маданий, саноат объектлари ва коммуникациялари, шунингдек, иктисодиёт тармоқлари, ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масала сифатида муҳим ўрин тутмоқда. Шу боисдан ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширмаслик давлатнинг иктисодий хавфсизлигига, стратегик манфаатларига таҳдид деб қаралиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида"ги қарорда кўрсатиб ўтилган.

Тарғибот- ташвиқот ишларини олиб бораётган тегишли ташкилот ва вазирликларнинг саъий ҳаракатларига қарамасдан турар ва нотурар жой бино ва объектларида ёнғин кўлами ханузгача кузатилмоқда.


Юзага келадиган юқори хавф туфайли яъни, техноген фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар таҳдиди турар ва нотурар жой бино ва объектларининг асосий қисми маънавий эскириши билан боғлиқ. Шу сабабдан рўй берган фавқулодда вазиятлар сарасидан 2016-2020 йилларда содир бўлган ёнғинлар статистикасини таҳлил қилинганда, 2016 йилнинг ҳисобот даврида Республика ҳудудида содир бўлган ёнғинлар сони 13 минг 9 тани ташкил этди. 2017 йилга келиб, Республика ҳудудида содир бўлган ёнғинлар ўтган йилга нисбатан 300 тага камайиб, 12 минг 705 тани ташкил этди. 2018 йилда эса Республика ҳудудида содир бўлган ёнғинлар сони 11 минг 979 та бўлса. 2019 йилда содир бўлган ёнғинлар сони ўтган йилга нисбатан 258 тага камайиб, 11 минг 721 тани ташкил этди. Аммо энг яхши кўрсаткичлар

2020 йилда қайд этилиб, яъни бунда ёнғинлар сони 1 минг 804 тага камайиб, йил давомида 9 минг 917 та ёнғин содир бўлган. Фавқулодда вазиятлар қутқарувчилари томонидан ёнғинларда 236 нафар фуқаро ҳаёти қутқариб қолинди.

Қайд этилган ёнғинларнинг асосий қисмини аҳоли уй-жойларида газ (портлаши) чакнаши, ижтимоий-маиший ҳамда турар-жой, бино ва иншоотларидаги ёнғинлар ташкил этган.

Республикамизда охириги 5 йилда содир бўлган ёнғинларнинг кўрсаткичи

1-диаграмма



Ёнғин содир бўлиши учун **уч омилнинг** бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлиши кифоя, яъни:

- ёнувчан модда (нефть, ацетон, қоғоз, ёғоч ва бошқалар);
- ҳаво ҳарорати (кислород миқдорининг ортиши);
- учқун-аланга (гугурт, учқун, электр симининг қиска туташуви).

Демак, ёниш жараёнининг пайдо бўлиши учун ёнувчи материал, ёндирувчи манба ва оксидловчилар бўлиши зарурдир.

Ҳавонинг таркибидаги кислород миқдори 14-16 % бўлганда ёниш тўхтайдиган ва туташ бошланади. Агарда кислород миқдори 8-10 % га камайганда туташ ҳам тўхтайдиган.

Маълумки, ёнғинни ўчиришда ёнғиндаги ҳаракат усуллари танлаш асосан ёнғин содир бўлган бино ва иншоотларнинг лойиҳаларига, конструктив жиҳатларига, сув таъминоти, мавжуд куч ва воситаларнинг сони, уларни ҳаракатга келтириш имкониятига, шунингдек, об-ҳаво (шамолнинг йўналишига) шароитларига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2021 йил 21 январдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2020 йилда бажарилган тадбирлар якуни, 2021 йилдаги асосий вазифалар тўғрисида»ги 1-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 январдаги №87-04-150-сонли, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг «Фуқаро муҳофазасини таъминлаш ва тегишли чораларни белгилаш тўғрисида»ги 2021 йил 5

февралдаги № 28-сонли ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2021 йил 22 январдаги 01-03/02 сонли хатининг ижроларини таъминлаш мақсадида жорий йил 29-сентябр куни Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг талабалар ётоқхонасида вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ходимлари ҳамда тегишли хизматлар ҳамкорлигида махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди (1-расм).



1-расм. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг 2-сон талабалар турар жойининг ҳовлисида махсус-тактик ўқув машқи

Ўқув машқи ғоясига кўра, талабалар ётоқхонасида шартли равишда содир бўлган ёнғинни бартараф этиш, жабрланган инсонларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш, ёнғин қандай содир бўлиши, унинг оқибатлари тадбир иштирокчиларига етказилди.

Тадбирдан кутилган мақсад: Ёниш зонасида ҳосил бўлган ёниш жараёнининг кучини, унинг йўналиши, ёнғин факторларидан ҳосил бўладиган аспирация оқимларини аниқлаш ва механикасини ўрганиш.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг 2-сон талабалар турар жойининг ҳовлисида йиғилган тингловчилар 3 гуруҳга бўлинган ҳолда махсус ёғоч конструкция (қарағай, қайин дарахтлари шунингдек, «Изол» ёнувчан изоляцион материал билан қопланган ёғоч конструкция)лардан сунъий равишда ёнғин ҳосил қилишди.

Тингловчилардан ташкил топган гуруҳлар етакчилари иштирокида Самарқанд архитектура-қурилиш институти «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан аспирация коэффициентини аниқлаш бўйича махсус яратилган қурилма (Патент № FAP 01547) ёнаётган зонага олиб келиниб тажриба тариқасида унинг ёнғин авж олишининг олдини олишдаги самараси аниқланди.

Тажриба жараёнида махсус (аспирания коэффициентини аниқлаш бўйича) қурилманинг фаолияти ўз исботини топди. Тажриба натижасидан келиб чиқиб, тадбир иштирокчиларига

моддалар ва материалларнинг ёниш вақтида пайдо бўладиган ёнғин хавфи билан аспирация оқимларининг пайдо бўлиши ўртасидаги аниқ боғлиқлик мавжудлиги, вақт ва шамолнинг йўналиши катта аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилиб, уларга керакли маълумотлар берилди.

Хулоса. Саноат объектлари ва коммуникациялари, шунингдек, иктисодиёт тармоқлари, ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашда, хавфсизликнинг бир қатор эҳтимолий омилларини ҳисобга олиш керак. Ёнғинни бартараф этишда, ёнғин бўлаётган ҳудудда вақтни тўғри белгилаш билан куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш орқали, ёнғин кўламини қискартириш, инсоний ва моддий талофатни камайитиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сулейманов А.А., Рузиев С.Т., Хаджиматова М.Х. Взаимосвязь дополнительных потоков аспирационных потоков, с оперативной обстановкой в очаге пожара. Сборник трудов Ташкентского государственного технического Университета. Обеспечение безопасности сложных технических и социальных систем. (Под общей редакцией к.т.н., доцента Мусаева М.Н.), Ташкент, ТГТУ, 2019, – С. 95-99.
2. Арипходжаева М.Б., Рузиев С.Т., Фатхидинов А.У., Сулейманов А.А. Использование современных технологий в совершенствовании обеспечения безопасности личного состава в кризисных и экстремальных ситуациях. Обеспечение безопасности жизнедеятельности: Проблемы и перспективы. Сборник материалов XIV международной научно-практической конференции курсантов (студентов), слушателей и адъюнктов (аспирантов, соискателей) 8-9 апреля 2020 года. Минск УТЗ, – С. 14-15.
3. Зарипов О.О., Амонова Г.Б., Рузиев С.Т., Сулейманов А.А. Ҳарбийлаштирилган транспортни ишлатиш жараёнида оператив вазиятни экстремал ва кризис вазиятларда аниқлаш механизми. Ҳарбий алоқа ва акт хабарлари илмий услубий журнал № 1(2) 2020, - С.7-10.
4. Амонова Г.Б., Зарипов О.О., Сулейманов А.А., Рузиев С.Т. Ҳарбийлаштирилган транспортни фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун интеграллашган дастурий мажмуа тузилмаси. Проблемы архитектуры и строительства. 2020, № 1 - Memorchilik va qurilish muammolari. СамГАСИ. Самарканд . 2020. №1 - С. 115- 118.
5. Ruziyev S.T, Suleymanov A.A “Harbiylashtirilgan obyektlarida favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish”. Monografiya Hamburg (Gyermany) Lambyert Academic Publishing, 2020. – 112 b.
6. Сулейманов А.А., Рузиев С.Т. Каримов Б.Ў LOCALIZATION OF EMERGENCY SITUATIONS USING ASPIRATION FLOW COEFFICIENCY Proceedings of Multidisciplinary International Scientific-Practical Conference "Current Issues of Science, Education and Industry in Modern Research" 10 -12th December 2020 JournalNX-ISSN No: 2581-4230 Impact Factor 7.223 Page : 600-604.
7. Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси йигилишининг 26 -сон баёни 2020 йил 20 ноябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2021 йил 21 январдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2020 йилда бажарилган тадбирлар якуни, 2021 йилдаги асосий вазифалар тўғрисидаги»ги 1-сонли буйруғи.